1964 ЙИЛ ТИНЧЛИК ВА МЕҲНАТ ЙИЛИ БЎЛСИН

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 3 (2551). | 4 январь, шанба, 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.



Пахта целлюлозаси ва фурон бирикмалари химияси ва технологияси илмий-текшириш институти ходимлари ёнмайдиган целлюлоза материаллари ҳосил қилиш йўлида ижодий изланиш олиб бораяптилар. Суратда: институтнинг младший илмий ходими М. Илҳомов (чапда) ва старший лаборант С. Обидов ўртоқлар сополимерлар лабораториясида. М. Комлев фотоси.

ХИМИЯ ВА МАКТАБ

«Химия — мўъжизалар ўлкаси. Унда инсон толеи яшириган бўлиб, ақл-идрокнинг буюк ютуқларига фақат шу ўлкада эришилади». Улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг сўзлари бу! Адиб томонидан образли қилиб таърифланган химиямиз йиллар ўтиши билан қудратли Ватанимизни мўъжизалар диёрига айлантиряпти.

Химиянинг халқ хўжалигидаги ҳикмати ва хизмати беқиёс даражада катта. У коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда ва халқ фаровонлигини оширишда битмас-туганмас имкониятларга эга. Шунинг учун ҳам партия Марказий Комитетининг декабрь Пленуми химия билимларини оммага кенг ёйиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Химия — ажойиб фан. Шунинг учун ҳам бу фанга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораяпти. Химиянинг «сир-асрорлари»ни ўргатишда, шубҳасиз мактаблар катта роль ўйнайди. Чунки, инсон ҳаётга, келажакка йўлланмани шу мактабдан олади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумда қилган докладида айтганидек, химияга меҳр-муҳаббатни умумий таълим мактабларидан бошлаб уйготиш керак.

Умумий-таълим мактаблари ўқувчиларга политехник таълим бериш ва уларни амалий ишларга тайёрлашдан иборат муҳим вазифаларни амалга оширяётган ҳозирги вақтда химия предметининг аҳамияти тағин ҳам ортади. Химия мактаб ўқув программасидаги асосий предметлардан бири.

Химия дарси машғулотларини юксак талаблар асосида ташкил этаётган илғор ўқитувчилар бизда кўп. Тошкентдаги 42-мактаб химия ўқитишнинг илғор формаларидан самарали фойдаланишнинг ташаббускори бўлиб чиқди. Мактабда химия дарсларини ва химиядан барча амалий ишларни ўтказишга имкон берадиган синф-лаборатория вужудга келтирилди. Бундай синф-лабораторияларни ҳар бир мактабда ҳам ташкил этиш мумкин.

Химия фанини ўқитишни қишлоқ хўжалиги билан боғлаш муҳим масалалар. Чунки, шу йўл билан ўқувчилар химиянинг қишлоқ хўжалиги практикасида кенг қўлланилаётганлигига, химия деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл қилишнинг муҳим омили эканлигига ишонч ҳосил қиладилар.

Ўқувчиларда химияни ўрганишга бўлган қизиқишни ошириш қишлоқ хўжалик меҳнатига муҳаббатни кучайтиради. Янгийўл бошқармасидаги «Партия XIX съезди» колхози территориясида жойлашган 15-мактаб бу соҳада ибратли ишларни амалга ошираяпти.

Тўпланган бой тажрибалар ўқувчиларни химия фанининг қишлоқ хўжалигида қўлланилиши билан таништириш учун катта имкониятлар борлигини кўрсатади. Бироқ, қишлоқ мактабларининг ҳаммасида ҳам химиядан синфдан ташқари ишнинг бу жонли формаларига етарли аҳамият берилаётир деб бўлмайди. Колхоз ва совхозларда ўтказиладиган экскурсиялар кўпинча биологик характерга эга бўлиб қолмоқда. Натижада қишлоқ мактаби ўқувчилари ўз ҳаётлари яшаб турган хўжаликнинг деҳқончилиги ёки чорвачилигида химиянинг қўлланилиши ҳақида яхши тасаввурга эга бўлолмаётирлар.

Химияни ўқитишда ҳар бир дарс машғулотининг жонли ўтиши ва химиявий эксперименталардан кенг фойдаланиш кўп жиҳатдан ўқитувчининг билими ва педагогик маҳоратига боғлиқ. Аммо, айрим ўқитувчилар машғулотларни зерикарли олиб борадилар. Бу, биринчидан, ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқишни оширмайди, иккинчидан ўқувчилар бу фанни бўш ўзлаштирадилар. Химиявий ишлаб чиқаришларни дарсликдаги схемалар бўйича ўргатиш ҳам ўқитишнинг жиддий нуқсонларидан биридир. Бунинг натижасида ўқувчилар химиявий реакциялар тўғрисида яхши тушунча ҳосил қилаолмайдилар.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларга химиявий реакциялар тўғрисида чуқур билим беришда лаборатория ишларидан кенг фойдаланиш керак. Амалий машғулотлар вақтида оптимал температура ва босим, католизаторлар, иссиқ алмашиш каби химиявий ўзгаришлар ҳақида тушунча ҳосил қилиб бориш зарур. Бунда химия фани ютуқларини ўқувчиларга таништириб боришнинг фойдаси каттадир.

Химия фанининг равнақи илмий-муассасалар билан мактаблар ўртасида яқин алоқа боғлашни тақозо этади. Тўғри, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институти пойтахтнинг Ленин районидаги айрим мактабларни ўз оталигига олиб яхши ташаббус кўрсатди. Химик олимлар қишлоқ мактаблари билан ҳам ана шундай яқин алоқа боғласалар чакки бўлмасди.

Мактабларда химия кабинетлари ёки лабораторияларини вужудга келтирмасдан туриб химия ўқитиш савиясини ошириб бўлмайди. Шу сабабли ҳар бир мактаб асбоблар ва реактивлар билан бойитилган химия кабинетлари ёки лабораторияларига эга бўлиши лозим.

«Мактабларда, техникумларда ва олий ўқув юртларида ўқув машғулотлари программаларини қайта қараб чиқиш лозим», дейди Ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумда сўзлаган якунловчи нутқида.

Пахтачилик—ота касбимиз. Республикамиз мактабларида ўқув материалларини қишлоқ хўжалиги билан, аввало пахтачилик практикаси билан боғлаб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан қараганда мактабларда ўқитилаётган 7-синфлар учун химия дарслигинигг айрим параграфларига қўшимчалар киритиш мақсадга муваффиқдир. Бу дарсликни пахтачилик химияси практикасининг хулосалари билан бойитиш мутлақо зарур.

Мактабларда химия фанининг ўқитилишига алоҳида эътибор бериш, ёш авлоднинг химия мўъжизаларини эгаллашига эришиш ва бу мўъжизаларни Ватанимиз тараққиёти, халқ фаровонлиги ишига, коммунизм қурилиши ишига хизмат қилдириш халқ маорифи ходимлари, партия, комсомол ташкилотлари ва бутун жамоатчиликнинг энг муҳим ва жонажон ишидир.

Н. С. Хрушчев ва К. Т. Мазуров Польша Халқ Республикасига келишди

ВАРШАВА, 2 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Т. Мазуров Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети биринчи секретари Владислав Гомулканинг ва Министрлар Совети Раиси Юзеф Циранкевичнинг таклифига биноан, ғайри расмий визит билан Польшага келишди.

Гданьск вокзалида Н. С. Хрушчев ва К. Т. Мазуровни Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Владислав Гомулка, Давлат кенгашининг раиси Александр Завадский, Министрлар Советининг Раиси Юзеф Циранкевич ва бошқалар кутиб олдилар.

Куба революцияси ғалабасининг беш йиллиги шарафига

Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги муваққат ишлар вакили Мануэль Гарсиа Фуэнтес миллий байрам — Куба революцияси ғалабасининг 5 йиллиги муносабати билан 2 январда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида А. П. Кириленко, А. И. Микоян, Ю. В. Андропов, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Я. В. Пейве, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси К. Е. Ворошилов, Латин Америкаси мамлакатлари билан дўстлик ва маданий ҳамкорлик Совет уюшмасининг президенти А. И. Хачатурян, СССР ва РСФСР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари ва бошқа расмий кишилар бор эди.

Меҳмонлар орасида СССРдаги бир қанча дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари бор эди.

Мануэль Гарсиа Фуэнтес ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян нутқ сўзладилар. (ТАСС).

КПСС делегацияси Стокгольмга келди

СТОКГОЛЬМ, 2 январь. (ТАСС). Швеция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев бошчилигидаги КПСС делегацияси бугун Стокгольмга келди. Делегация Швеция Коммунистик партиясининг 3 январда очладиган XX съезди ишида қатнашади.

Аэродромда совет меҳмонларини Швеция Коммунистик партиясининг раиси Х. Хагберг бошлиқ партия раҳбарлигининг вакиллари, шунингдек СССРнинг Швециядаги элчиси Н. Д. Белохвостиков кутиб олдилар.

УЛУҒ ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Ш. РАШИДОВ,

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари

□ □ □

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, янги бахт-саодат ёр бўлсин! — Ер юзидаги кишилар кетаётган йилни кузатар, кириб келаётган йилни кутиб олар эканлар, азалдан шундай дейдилар. Меҳнат ва курашда, қувонч ва оғир йилларда шерик бўлган дўстлар мана шу янги йил оқшомида ҳам қадаҳни қўлга олганда, яхши ниятли ҳамма кишилар яқдил бўлиб:

Тинчлик учун! Дўстлик учун! Жаҳонда бахт-саодат учун! — дейдилар.

Барча параллелларда ва меридианларда бу қадаҳ Кремль курантларининг ўриши билан бир маҳалда янграйди деб ўйлайман. Эндиликда тарих ўз ҳаракатини Кремль курантларига қараб белгиламоқда.

Кремль ёқут юлдузларининг сўнмас нури, Прометей оловига ўхшаш нури жаҳон устида умид алангаси бўлиб порламоқда, тинчлик ва иҳтиомий адолат учун курашга чақирувчи оташин жарчи бўлмоқда.

Халқни Октябрь революциясига отлантирган, коммунизмни шарпадан енгилмас кучга айлантирган қудратли коммунистлар партиясини вужудга келтирган Ленининг жаминки улуғворлиги ва даҳоси эндиликда биз эришган зафарлар чўққисидан тағин ҳам равшанроқ кўриниб турибди.

«Ленин, — деган эди Н. С. Хрушчев, — келажакка шундай дадил парвоз қилдики, бу, инсонинг энг юксак парвози эди».

...1925 йилнинг февраль ойида бундай бир воқеа бўлган эди. Тоғли сўқмоқ йўлдан ўзбек аёли борарди. Бу аёл Ўзбекистон Советларининг биринчи съездига ошиқарди. Аёлнинг йўлини бос-мачилар тўсди. «Биз сенинг тўғрингдаги ҳамма гапни биламиз,— деди талончилар бошлиғи. — Сен паранжи-чимматингни ташлаб худодан тондинг. Сен мактаб очиб, урф-одатимизга хилоф иш қилдинг. Сен ўлишинг керак. Агар бизга хизмат қилсанг, ҳаётингни сақлаб қоламиз».

«Йўқ, — деди ҳалиги аёл, — кўзи очилган одам қайтиб кўр бўлишни хоҳламайди». Шу гапни айтиб у халтасидаги китобни олди. Бу унинг дастлаб ўқиб чиққан Ленин китоби эди.

Ўша заҳотиёқ аёлнинг қўли ҳам, китоб ҳам қонга бўялди...

Ўзбекистон Компартиясининг биринчи съезди бу аёлнинг хотирасини абадийлаштиришга қарор қилди. Аёлнинг жонажон қишлоғида шинам мактаб қуриб, бу мактабни Иқлим Сулаймонова номига қўйишди.

Тағин бошқа бир ҳодиса ҳам эсимда. Африка бўйлаб қилган сафарим вақтида бир оддий киши мени учратиб, уйига таклиф қилди. Унинг кўзлари ёшларнинг сингари шўх чақнар эди. Лекин сочларидаги оқ ва юзидаги ажинлар машаққат билан кечган йиллардан далолат берарди. У революцион курашда қатнашганлиги учун ўн бир йил қамоқда ётган экан. Менинг Совет Иттифоқи тўғрисидаги гапларимни ташналик билан эшитарди. Шундан кейин у афтидан азиз меҳмонга, ўзида бор энг қимматли бойликни кўрсатай деб ўйлаб, жовондан граммафон пластинкасини олди. Бу Ленининг нутқи ёзиб олинган пластинка эди.

Қуллик ва зулмга қарши кураш тарихи мардлик ва қаҳрамонлик йилномасидир. Лекин қон бекорга тўкилгани йўқ. Эндиликда инсониятнинг учдан бир қисми коммунизм байроғи остида яшаяпти. Бутун жаҳон революционлашмоқда. Мустамлакачилик империялари емирилди. Тарих маҳкум этган эски дунё ҳалокат сари бормоқда.

Севикли Ватанимиз коммунизм ғояларининг энг улуғвор тимсолидир. Совет кишиси фахрланса арзигудек нарсаларга эга.

Совет кишисининг илҳомбахш меҳнати кейинги ўн йилликда айниқса бой самара берди. Ўтган ўн йиллик шахсга сиғинишсиз оқибатларини тугатиш ва коллективчилик тантанаси даври бўлди. Бу ўн йиллик ижодий фикр дадил парвоз қилган ва самарали изланишлар давридир, илҳомбахш ғайрат ва ташаббус ҳамда мисли кўрилмаган ўзгаришлар, гўзаллик ва ақл-фаросат тантанаси давридир.

Юрий Гагарин ва унинг самовий биродарлари қилган космик парвозларнинг ўзиёқ бу ўн йиллик тарихий давр эканлигини кўрсатади. Қаёққа қарамаиг, қандай олис жойларга нигоҳ ташламанг, ҳамма жойда кишини қувонтирадиган ўзгаришларни кўриш мумкин. Ватанимизнинг юраги, тараққийпарвар инсониятнинг юраги, революцион жўшқинлик ва эркин фикрлашнинг маркази — қадимий ва абадий навқирон Москванинг жамоли тобора очилмоқда. Шу кейинги ўн йилда унинг жамоли айниқса барқ урди. Москванинг янги қиёфасида Н. С. Хрушчевнинг тажрибали қўли кўриниб турибди. Ўзининг катта ҳамшираси бўлган гўзал Москвата тенглашиш учун интилаётган унинг содиқ дўстлари ва қардошлари — Киев ва Минск, Тошкент ва Боку, Рига ва Олмаота, Советлар мамлакати қардош республикаларининг барча пойтахтлари тобора навқирон бўлмоқда, камол топмоқда.

Пойтахтларгина камол топмоқдами! Бугунги кунда кўҳна шаҳар ва қишлоқлар ҳам, Ватанимиз харитасида эндигина пайдо бўлган шаҳар, қишлоқлар ҳам янгича кўринишда. Мана бизнинг Мирзачўлимиз. Унинг номини тарих туфайли «Мирзачўл» деймиз, холос.

Совет ҳокимиятининг тонгидаёқ Ильич Мирзачўлни обод қилиш тўғрисида ўйлаган эди. Оловли ўн саккизинчи йилда Ленин Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги декретга имзо чекди.

Партия Ленин орзуларини рўёбга чиқарди. Бўз ерлардаги меҳнат аҳли партиямиз кўрсатаётган эътибор ва меҳрибончилик билан фахрланадилар. Никита Сергеевич Хрушчев бу ерда бир неча бор бўлди. Унинг маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари илҳомбахш иш программаси бўлиб қолди.

Яқинда халқимиз Красноярск ГЭС қурувчиларини табриклади. Бу муаззам ГЭС Туркия, Греция, Эрон, Мексика ва Португалия бирга-ликда ишлаб чиқараётган электр энергиясига тенг қувват беради. Кекса авлодга мансуб кишилар ленинча ГОЭЛРО планининг тўғ-ғич иншооти — 56 минг киловатт қувватга эга бўлган Волхов ГЭСи ишга туширилгани қандай катта байрам бўлганлигини биладилар. Красноярск ГЭСининг қуввати эса 5 миллион киловаттдир. Мана бу чинакам буюк парвоз!

Шундай рақамлар борки, худди шеърдек, қўшиқдек, меҳнат тимнидек янграйди. Кейинги ўн йиллик мобайнида саноатнинг ялпи маҳсулоти қариб уч баравар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш эса 67 процент кўпайди. Бутун мамлакат қурилиш ҳавозалари билан қопланган. Ўн йиллик ичида капитал қурилишга шунча маблағ ажратилдики, бу Совет ҳокимиятининг бундан аввалги ҳамма йилларидагидан икки баравардан зиёдроқ кўпдир. 8400 йирик саноат корхонаси ишга туширилди.

Ўтган ўн йиллик шундай тарихий воқеалар билан нишонланди-ки, бу воқеалар орасида энг зўри партиянинг XX ва XXII съездлари бўлди. XXII съездда КПССнинг қабул қилинган янги Программаси коммунизм хартияси деб аталмоқда. Бу янги Программа миллионларнинг байроғи бўлиб қолди. Унинг қудратли ҳаётий кучи совет кишиларининг ҳар кунги афсонавий ишларида, жаҳон социалистик системасининг мустаҳкамланишида, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати кучларининг камол топишида, тинчлик учун кураш кучаяётганлигида яққол сезилиб турибди.

1963 йил. Бу, ўн йилликнинг охирги йилидир. Ўтган йил шонли ишларнинг давомчисигина бўлиб қолмай, шундай бир парвоз майдони ҳам бўлдики, халқимиз бу майдондан туриб, янги юксакликларга парвоз қилди. Партиямиз ленинчи Марказий Комитети бунга йўл очиб берди.

Коммунистик жамият кишиси ҳар жиҳатдан гўзал бўлиши керак. Марказий Комитет ўзининг июнь Пленумида партия XXII съезди қўйган вазифаларни — янги одамни тарбиялаш вазифаларини тезроқ амалга ошириш йўлларини белгилаб, берди. Декабрда, навбатдаги Пленумда эса Марказий Комитет муҳим хўжалик проблемасини — химия саноатини ривожлантириш масалаларини ҳал қилишга зътиборни қаратди.

Никита Сергеевич Пленумда: «Агарда Владимир Ильич Ленин ҳозир тирик бўлганида, эҳтимол, тахминан шундай деган бўлур эди: Коммунизм—Совет ҳокимияти, бутун мамлакатни электрлаштириш ва халқ хўжалигини химиялаштиришдир» дедики, у бунда минг марта ҳақлидир.

Биз дўстона хайрлашган йил бошқа кўпгина воқеалари билан ҳам унутилмас йил бўлиб қолди. Москва Шартномаси имзоланди. Бу тинчликка бўлган астойдил интилишимизни тағин бир марта кўрсатди.

Аммо тарих холис йилномачи тарзида ўз саҳифаларига яхши ишларнигина ёзиб қўя қолмайди. Ўтган йилда Невада штатидаги ер ости полигонларида бомбалар портлади, Ироқ ва Испаниянинг энг яхши йигит-қизлари қони тўкилди, Алабама ва Жанубий Африкада ирқчиларнинг гулханлари ёнди, Далласда ўқ овозлари эшитилди...

Реакция хуружлари, «қутурганлар»нинг аламли айюҳаннослари тобора яхшироқ уюшган зарбага дуч келмоқда. Капитал мамлакатларида синфий жанглар авж олиб, эски дунё муқаррар ҳалокатга яқинлашмоқда.

Чуқур интернационализм совет кишисига хос фазилатдир. Ҳозир Ўзбекистонимизда Пахта байрами ўтмоқда. Бу байрам шунинг учун тағин ҳам тантаналики, уни биз билан барча совет халқлари байрам қилмоқда.

Ленин ва Ленин партиясининг интернационализми Совет ҳокимияти барпо қилинган дастлабки кунларданоқ халқ қалбидан чуқур жой олди. Хоразм Халқ Совет Республикаси В. И. Ленинни ўзининг энг олий ордени билан мукофотлаш тўғрисида 1922 йили дастлабки қароридан бирини қабул қилди. Бугунги кунда эса Хоразм области бутун мамлакат экономикасини гуллатиб-яшнатиш учун курашга қўшган ҳиссасига берилган юксак баҳо сифатида Ленин орденини Ватандан қабул қилиб олди.

Ленинча интернационализм ўз ифодасини қудратли Бухоро — Урал газопроводи — халқ жасорати трассасида, халқлар дўстлиги ва қардошлиги трассасида топди. Ўзбекистон газ океани газ печлари алангаси учунгина эмас, балки қалблар тафти учун ҳам абадий қудратли оқимдир.

Бу буюк интернационализм рус адабиёти ва санъатининг яқинда Ўзбекистонда бўлиб ўтган декадасида янги қудрат орттиргандек бўлди.

«Халқ дўстлиги ва биродарлиги ҳар қандай бойликдан қимматдир» деган гап бор бизда. Биз бу биродарликни кўз қорачиғидай сақлаймиз.

Кейинги ўн йиллик мобайнида мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган улкан силжишлар, Совет давлатининг халқаро майдондаги обрўси ўсганлиги — буларнинг ҳаммаси Н. С. Хрушчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитетнинг жўшқин фаолияти самарасидир. КПСС Марказий Комитети — партиянинг бош штаби, унинг ақл-идроки, коллектив ақл фаросатининг тимсоли ва кўп миллионли коммунистлар армияси, барча меҳнаткашларнинг коллектив иродасидир.

...Янги йил элимизга ўзининг сергак вахтасини ўташга тўла тайёр турган соқчининг ўрнига келган солдатдек; мартен печи ёнида ўз дўстининг ўрнида туриб, пўлат эритишни давом эттирадиган пўлат эритувчидек; ерни яхшироқ ясантирувчи боғбондек келди. Биз янги йилни қалбимиз порлоқ орзу-умидларга тўлган ҳолда, бу орзу умидларимиз рўёбга чиқишига қатъий ишонган ҳолда кутиб олмоқдамиз.

(«Известия», 1964 йил, 1 январь).

БУТУН ДУНЁДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Уругвайдаги «Эль Диарио» газетасининг редактори Пабло Песченинг саволларига жавоб берди. Бутун дунёда тинчликни мустаҳкамламоқ учун, Сизнинг фикрингизча, қандай ҳаракат қилиш керак? Н. С. Хрушчев бу саволга жавоб бериб айтдики, халқаро воқеаларнинг кейинги вақтлардаги ривожланиши бутун дунёда тинчликни мустаҳкамламоқ учун янги имкониятлар очиб бермоқда. Утган йили халқларнинг куч-ғайрат сарфлаши туфайли халқаро вазият бирмунча юмшади. Эндиликда бу йўлда янги қадамлар қўйиш керак.

«Совуқ уруш»нинг сақланиб қолишидан, қуролланиш пойгасининг давом эттирилишидан манфаатдор бўлган нуфузли ва қудратли кучлар жаҳонда ҳали ҳам бор, деб давом этди

УРУГВАЙДАГИ «ЭЛЬ ДИАРИО» ГАЗЕТАСИ РЕДАКТОРИ ПАБЛО ПЕСЧЕНИНГ САВОЛЛАРИГА Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Н. С. Хрушчев. Лекин бизлар пессимист кишилар эмасмиз. Бизнинг замонамизда жаҳон урушининг олдини олиш мумкинлигига қаттиқ ишонамиз. Латин Америкасининг халқлари мана шу ялпи ишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин ва лозим.

Қуролсизланиш давлатлар ўртасида уруш олиб бориш имкониятини тугатишга имкон берган бўлур эди. Термоядро қуролини тақиқлашга эришмоқ учун эўр бериб ишлаш керак. Иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш, ҳар иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузиш ва Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш тинчликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. АҚШнинг милитарист доиралари, деди сўнгра Н. С. Хрушчев, кейинги вақтларда Кариб денгизи районида кескинликни кучайтиришга яна уринмоқдалар. Лекин «қутурганлар»нинг бу ҳаракати рўёбга чиқмаслигига аминмиз.

Сўнгра Пабло Песче Совет ҳукуматининг бошлиғига қуйидаги саволни берди: атом энергиясидан ва техника муваффақиятларидан инсоният бахт-саодати йўлида фойдаланмоқ учун нима қилиш керак? Ҳар қандай уруш пайдо бўлишининг социал ва миллий сабабларини батамом йўқотиш, — деб жавоб берди Н. С. Хрушчев, — ана шу масалани ҳал қилишнинг энг яхши йўлидир. Бутун дунёда социализм ғалаба қилган тақдирдагина шундай қилиш мумкин. Бизнинг мамлакат ва бошқа социалистик давлатлар тажрибаси, деб давом этди сўнгра Совет ҳукуматининг бошлиғи, бунинг яққол далилидир. Фан ва техниканинг энг янги нашфиётларини тинчлик мақсадларида ўзлаштириш соҳасида Совет Иттифоқи биринчи эканлиги билан фахрланамиз. Ажал ва вайрон қилиш қуролларини ишлаб чиқариш соҳасида эмас, балки тинчлик майдонида — халқларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш соҳасида мусобақалашмоқ керак.

Сиз янги йилда Уругвай ёшларига нималэр тилайсиз? Н. С. Хрушчев бу саволга жавоб бериб айтдики, ёшлар билан гаплашсам ҳамиша хурсанд бўламан. Бутун дунё ёшлари каби Уругвай ёшлари олдида ҳам олижаноб вазифалар турибди, деб ўйлайман. Тинчликни мустаҳкамлаш учун, ер юзида яхши бахтли турмуш қуриш учун кураш масалалари, деб давом этди Совет ҳукуматининг бошлиғи, шу вазифалар орасида биринчи ўринни олиб турибди. Шундай қилиш керакки, термоядро урушининг қора булутлари порлоқ уфқимизни тўсмайдиган бўлсин. Янги йилда ҳам халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлайдиган янги зўр ишлар қилинишини, ҳар бир уйда, ҳар бир оилада шодлик ва фаровонлик бўлишини истайман. Бунга эришишда ёшларнинг, шу жумладан, Уругвай ёшларининг ҳам роли оз эмас. Шу сабабли Уругвай ёшларининг олижаноб истак ва ниятларига чин кўнгилдан муваффақиятлар тилайман. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область, Калинин район Совети ижроия комитетининг раиси Маҳмуд Тожиевич **Тожиев** партия ва совет органларида узоқ йиллар давомида самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг **Фахрий ёрлиғи** билан мукофотланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИЛМ-ФАН ЮКСАЛИШДА

Ф. СУЛТОНОВ,

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитетининг Раиси.

□ □

Улуғ Октябрь Социалистик революцияси Совет ҳокимиятини ўрнатиб, социал ва миллий зулмга абадий хотима берди. Октябрь революцияси халқларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳар томонлама камол топиши учун кенг йўл очиб берди, уларнинг кўп асрлардан бери қилиб келган орзу-умидларини рўёбга чиқарди, кишилик тарихи тараққиётини мутлақо янги йўлга буриб юборди, мамлакатимизда жуда муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришларни амалга оширди.

Улуғ Ленин **«...қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин...»** деган эди. (В. И. Ленин, 31 том, 247-бет).

Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам Коммунистик партия раҳбарлигида азалдан давом этиб келган иқтисодий тенгсизликни тугатиб, коммунистик қурилишнинг умумий системасига қўшилди.

Ўзбекистон ССР ўзининг 40 йиллик юбилейига халқ хўжалиги, маданият ва фаннинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда келмоқда. Ўзбек халқи эришган барча ютуқлар Коммунистик партия томонидан ишчиллик билан амалга оширилаётган ленинча доно миллий сиёсатнинг, Совет Ўзбекистонидаги ишчилар, деҳқонлар ҳамда интеллигенция қаҳрамонона меҳнатининг, улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг яқиндан кўрсатган амалий ёрдамининг натижасидир.

Октябрь революциясига қадар чоризмнинг собиқ мустамлакаси бўлган Туркистон аҳолиси деярлик ёппасига саводсиз эди. Аҳолининг атиги 1,8 процентигина саводхон бўлган. Маҳаллий миллат болаларини мактабларга жалб қилиш мутлақо талабга жавоб бермасди. Масалан, Фарғона областида мактаб ёшидаги болаларнинг атиги 0,5 проценти, Самарқанд областида эса 0,9 проценти ўқишга тортилган эди.

1914 йилда ҳозирги Ўзбекистон территориясида 160 та мактаб бўлган. Улардан 135 таси бошланғич ва атиги 12 таси ўрта мактаб бўлган. Уларда 17,5 мингта яқин ўқувчи таълим олган.

Партия ва ҳукуматимиз халқ маорифи, эски мактаблардан бутунлай фарқ қилувчи янги совет мактабларини вужудга келтириш масалаларига жуда катта эътибор бердилар. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлабоқ Туркистонда янги совет мактабларини очиш ишлари қизитиб юборилди. Бунда катта қийинчиликларга ҳам дуч келинди, албатта. Мактаблар учун ўқитувчилар етишмасди. Махсус binolar, керакли ўқув қуроллари йўқ эди.

Лекин шу хилдаги оғир қийинчиликларга қарамай халқ маорифи иши тинмай ривожланиб борди, янги мактаблар очилди. Кадрлар масаласини ҳал қилиш мақсадида педагогик таълим бериш тармоқлари кенгайиб борди.

1919-1920 йилларда Тошкентда, кейинчалик Самарқандда маориф институтлари очилабошлади. Қўқон шаҳрида эса «Дорул — муаллим» деб аталган ўқитувчилар тайёрловчи курслар вужудга келди. Хотин-қизлардан педагогик кадрлар тайёрлаш учун Тошкентда хотин-қизлар маориф институти ишга киришди.

Бу ўқув юртлари Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллий кадрлар тайёрлашда катта роль ўйнади.

Туркистон халқларининг социалистик маданиятини ривожлантиришда Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) катта хизмат кўрсатди. Бу комиссияга М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев ўртоқлар раҳбарлик қилдилар. Турккомиссия мустамлакачилик қолдиқларини тугатишга қаратилган ишларни авж олдириб юборди, маҳаллий меҳнаткашларни социалистик қурилишга кенг сафарбар этди.

Комиссия кўрсатмаси билан маҳаллий миллат вакилларидан кадрлар тайёрлаш ишларига эътибор кучайтирилди. Бу кадрлар кейинчалик янги ташкил этилган мактабларда, партия мактаблари ва коммунистик университетда етишиб чиқабошлади.

Туркистон ўлкасида мактаблар қурилиши жуда тез суръатлар билан ривожлантирилди. Агар Туркистонда чоризм ҳукумронлик қилган ярим аср мобайнида ўрта ҳисобда 9-10 тадан мактаб очилган бўлса, Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки уч йил ичида, яъни хўжалик вайрон бўлган, интервенция ва босмачилик ҳаракати кучайган оғир бир шароитда, ҳар йили ўрта ҳисобда 600 дан ортиқ мактаб ишга тушиб турди.

1919 йил 26 декабрда В. И. Ленин Халқ Комиссарлари Советининг саводсизликни тугатиш тўғрисидаги Декретига имзо чекди. Орадан бир йил ўтгач, 1920 йил декабрида Тошкентда саводсизликни тугатишга қаратилган Ўлка ҳафталодда комиссияси тузилди. Бу хилдаги комиссиялар барча областлар, шаҳарлар ва уездларда ҳам тузилабошлади. Ҳамма жойда катта ёшдаги кишилар ўртасида саводсизликни тугатиш учун хизмат қилувчи мактаблар очилди. Бу мактаблар давлат ҳисобидан зарур ўқув қўлланмалари билан таъминлаб турилди.

Шу йилларда профессионал-техника мактаблари тармоғи ҳам кенг қулоч ёзди. Бадиий техникум, ўзбек музика мактаби, консерватория, маҳаллий миллат кишиларидан босмахона ходимлари тайёрловчи мактаб, педагогика техникуми ва бошқалар вужудга келди. Ҳозирги Ўзбекистон территориясининг ўзидагина 1922 йил январига келиб 42 та профессионал-техника мактаби ва 21 та турли профессионал-техника курслари ишга киришди.

Буларнинг ҳаммаси ўлкамизда маданий революциянинг мисли кўрилмаган даражада тез амалга оширилганлигидан далолат беради. Халқ маорифи айниқса беш йилликлар даврида жуда тез ривожланди. Урушдан олдинги беш йилликлар даври Ўзбекистон ССР социалистик асосда қайта қурилган давр бўлди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг кундалик ғамхўрлиги туфайли 1930 йилдан бошлаб умумий бошланғич таълим амалга оширилди. Турли педагогик курслар, педагогика техникумлари, маориф институтлари, олий ўқув юртлари тармоғи кенгайиб борди. Малакали педагогик кадрлар тайёрлашга эътибор кучайтирилди.

Хотин-қизларни саводхон қилиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Партия ва совет ташкилотлари Ўзбекистондаги ўрта мактаблар ва олий ўқув юртларига маҳаллий миллат кишиларидан иборат кўплаб хотин-қизларни жалб қилишга қаратилган бир қатор тадбирларни ишлаб чиқдилар. **Агар 1924-1925 ўқув йилида 75,518 ўқувчини ўз қучоғига олган 908 мактаб мавжуд бўлган бўлса, 1963—1964 ўқув йилида эса республикада 6700 дан ортиқ мактаб ишлаб турибди. Уларда 2 миллионга яқин ёш авлод таълим олмоқда.**

Мактаблар тармоғининг ўсиши билан бир қаторда ўқитувчи кадрлар сони ҳам тобора ортиб борди. 1924-1925 йилларда 2748 ўқитувчи бор эди. Ҳозир эса уларнинг сони 110 минг кишига етди.

Кейинги йилларда республика мактабларида ўқув-тарбия ишларининг савияси анча ортди. Ўқувчиларнинг фанларни яхши ўзлаштиришига эришаётган ўқитувчилар сони кўпайди. Ўқувчиларнинг билими эса тобора чуқурлашиб бормоқда.

Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинганлиги мактаблар ҳаётида катта воқеа бўлди. Республикамизда бу Қонунни турмушга тадбиқ этиш юзасидан катта ишлар қилинди. Халқ маорифини қайта қуриш, мактаб ўқувчилари томонидан фан асосларини чуқур ўзлаштириш, уларга меҳнат тарбияси бериш соҳаларида ҳам талай ишлар амалга оширилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан Ўзбекистондаги мактаблар тармоғини мустаҳкамлашга қаратилган моддий воситаларнинг яратилганлиги мактабларда ўқув-тарбия ишлари савиясини муттасил ошириб боришга ёрдам берди.

Агар 1924 йилда халқ маорифи, социал таъминот ва соғлиқни сақлаш соҳалари учун 11 миллион 300 минг сўм сарфланган бўлса, 1963 йилда фақат биргина халқ маорифининг эҳтиёжлари учун 252 миллион сўм ажратилди.

1939 йили рус графикасига асосланган янги алфавитнинг қабул қилинганлиги ўзбек халқи ўртасида саводхонликнинг ошиши ҳамда кенг омма маданий савиясининг тез юксалишига ёрдам берди. Совет мактабининг ривожланиши билан бирга она тилида дарсликлар яратиш ишлари кучайтирилди.

Октябрь революциясининг ғалабаси олий мактаблар очиш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиш учун мустаҳкам замин яратибгина қолмай, шу билан бир қаторда олий таълим системасининг: университетлар, техника, қишлоқ хўжалиги, медицина, юридик ва бошқа тармоқ системаларини вужудга келтириш ва кенг ривожлантириш истиқболларини ҳам очиб берди. Бусиз фаннинг бундан кейинги тараққиёт йўли ва муваффақиятларини тасаввур қилиш мумкин эмас эди.

Гражданлар уруши авж олган оғир бир шароитда, 1918 йил 21 августда Тошкент шаҳрида Туркистон Халқ университети очилди. 1920 йил февралида, Оренбург фронти тугатилгандан сўнг, В. И. Ленининг кўрсатмаси билан университетга ёрдам бериш мақсадида Москвадан профессор ва ўқитувчилардан иборат бир группа малакали кадрлар юборилди. Шунингдек, турли асбоб-ускуна ва ўқув қуроллари ортилган бутун-бутун эшелонлар жўнатилди. Университет мустаҳкам базага эга бўлгач, ҳар жиҳатдан таъминланган илмий муассасага айланди.

Тошкентда университет таъсис этилганлиги Ўзбекистонда фан тараққиёти тарихида ғоят муҳим босқич бўлди. Партия ва ҳукумат кўрсатган катта ғамхўрлик туфайли университет тобора ривожланиб борди. Студентлар сони ҳамда профессор-ўқитувчилар состави йилдан-йилга ортиб, кадрлар тайёрлаш сифати яхшиланди. Кейинчалик университет ривожланган сайин олий таълимнинг ривожланиш тарихида янги давр бошланди. САГУ составидан бир қатор факультетлар ажралиб чиқди. Улар базасида мустақил олий ўқув юртларининг катта тармоғи вужудга келди.

Масалан, ипакчилик институти ва қишлоқ хўжалик институти САГУнинг қишлоқ хўжалик факультети базасида ташкил қилинди. 1930 йили САГУнинг тоғ-геология бўлими базасида Ўрта Осиё тоғ институти вужудга келди. 1931 йилда темирйўл транспорти инженерлари институти, 1932 йилда тўқимачилик институти ва ҳоказолар ўз фаолиятини бошлади.

Мамлакатни индустриалаштириш техника соҳасида ишловчи кадрлар тайёрлаш суръатларини ошириш ва сифатини яхшилашни талаб этди. Қудратли илмий-техника базасини яратиш, шунингдек илмий кучлардан тўғри фойдаланиш мақсадида 1934 йилда йирик техника ўқув юрти — ҳозирги Тошкент политехника институти ташкил қилинди.

Яқиндагина янги институт — рус тили ва адабиёти институти очилди. Бундан ташқари жуда кўп ўқув юртларида янги-янги факультетлар, бўлимлар, кафедралар ва лабораториялар вужудга келмоқда. Улар мутахассислар ва илмий ходимлар тайёрлаш соҳасида катта аҳамиятга эга бўлмоқдалар.

Ҳозирги вақтда республикамизда 30 олий ўқув юрти ва 85 та ўрта махсус ўқув юрти бор. Уларда 200 мингга яқин студент, мамлакатимиздаги деярли 60 миллат вакиллари таълим олаётирлар. Бу — Ўзбекистондаги ҳар ўн минг аҳолига ҳисоблаганда Франция-га нисбатан қарийб уч марта, Италияга қараганда уч мартадан ортиқ, Германия Федератив Республикасига нисбатан 4 баравар ва Испанияга нисбатан 17 марта кўп демакдир. Фақат Тошкент политехника институтида ўқиётган студентлар сонининг ўзигина Эроннинг бутун олий ўқув юртларида шуғулланаётган студентлар сонидан кўплик қилади.

Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида, яъни 1943 йил 27 сентябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилди: республика илмий фикрининг маркази вужудга келтирилганлиги фанни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишлари ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди.

Фанлар академияси системасида бир қатор янги илмий-текшириш институтлари ва муассасалари ташкил этилди. Ҳозирги вақтда академиямиз составида 24 илмий-текшириш институти ва муассасалари бор. Ядро физикаси институти, физика-техника институти, механика институти, тарих ва археология, шарқшунослик, тил ва адабиёт, ботаника, зоология ва паразитология институтлари шулар жумласига киради. 1959 йил сентябрида шарқда биринчи атом реактори ишга туширилди.

Шулар натижасида тадқиқот ишларининг илмий даражаси анча ошди. Фанлар академиясининг илмий-муассасалари фаннинг айрим тармоқлари бўйича Бутуниттифоқ майдонига чиқабошладилар.

Яқинда республикамиз илмий жамоатчилиги Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 20 йиллигини нишонлади. Академия иш бошлаган дастлабки пайтда унда атиги 479 ходим ишлаган бўлса, ҳозир фақат илмий ходимлар сони 3 минг кишидан ошиқдир.

В. И. Ленин янги жамият қуришда фаннинг жуда катта роль ўйнашини кўп марта уқдириб ўтган эди. Социализм фанни ривожлантиришни давлат аҳамиятига эга бўлган жуда муҳим масала қилиб қўйди. Совет халқи КПСС янги Программасини амалга оширишга киришган ҳозирги вақтда фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб бормоқда.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда янги интеллигенция вужудга келди. Ҳозир халқ хўжалигида ҳамда фан ва маданият соҳасида ўрта ва олий махсус билимга эга бўлган 250 минг мутахассис ишлаб турибди. Бу рақам 1913 йили бутун чор Россиясида хизмат қилган барча мутахассислар сонидан кўп марта ортиқдир.

Республикадаги 120 илмий муассасада, шунингдек олий ўқув юртларида ҳозирги кунда 14 мингга яқин илмий ходим иш олиб бормоқда. Шулардан 250 дан ортиқ киши фан доктори ва 2700 киши фан кандидатларидир. Олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларининг ходимларидан 544 киши докторлик диссертацияси ва 2986 киши кандидатлик диссертацияси устида самарали иш олиб бормоқда. Республикамиздаги илм-фан даргоҳларида 2371 аспирант фан асосларини эгаллаётир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фанимиз, олимларимиз тўғрисида катта ғамхўрлик қилиб, уларнинг ижодий фаолиятларини янада кучайтириш учун, фанни ишлаб чиқаришга тобора яқинлаштириш учун барча қулай шароитларни яратиб бермоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети сўнгги йиллар ичида мамлакатимизда фан ва техникани ривожлантиришга қаратилган бир қатор муҳим қарорлар қабул қилдилар. 1963 йил апрелида «СССР Фанлар академияси ва иттифоқчи республикаларнинг Фанлар академиялари фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисида» қабул қилинган маҳсус қарор шулар жумласидандир. Бу қарорга кўра, иттифоқчи республикаларнинг Фанлар академиялари, олий ўқув юртлари ва мамлакатимиздаги бошқа илмий-текшириш муассасалари томонидан ишлаб чиқилган табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги энг муҳим проблемаларни ҳамда тадқиқотларни координация қилиш ва улар устидан илмий раҳбарликни амалга ошириш вазифалари СССР Фанлар академияси зиммасига юкланди.

1962 йилда республикамизнинг илмий-текшириш ташкилотлари 137 та энг муҳим илмий-тадқиқот ишларини тугалладилар. Бу тадқиқотлар Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планида ҳам назарда тутилган эди. Республиканинг саноат корхоналарида ўтган йиллар ичида янги техника, илғор технология, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан 129 та йирик тадбир жорий қилинди.

1963 йилга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари планида 482 та энг муҳим илмий-тадқиқотни, шу жумладан иттифоқ аҳамиятига эга бўлган 148 та тадқиқотни амалга ошириш назарда тутилган эди. Шубҳасиз, буларнинг кўпи ижобий якунланди. Пахтачиликда техника ва технологияни комплекс равишда ривожлантириш проблемасига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу соҳада 82 та илмий иш бажарилиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг химия саноатини ривожлантиришга бағишлаб ўтказган Пленуми асосида қишлоқ хўжалигини химиялаштириш катта аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Тошкент Давлат университети, политехника институти, шунингдек республикамиздаги химия корхоналари ва бошқа тегишли ташкилотлар химия саноатини ривожлантириш масалаларини биргаликда ҳал қилишга тобора кўпроқ интилаётирлар.

Турмушда фаннинг роли тобора ортиб бораяпти. Бинобарин, бизнинг давлат планларимизда фанни ривожлантириш масалалари тобора кўпроқ акс этмоғи лозим. Илмий-тадқиқотлар, синовлар ва лойиҳаларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда эришилган ютуқларни халқ хўжалигида қўллаш зарур. Бунда пахтачиликни комплекс механизациялаш учун машина ва механизмларнинг янги типларини яратиш ва ўзлаштиришга кўпроқ эътибор бериш керак бўлади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ибораси билан айтганда, фан энг тўғри компасдир. У буюк мақсадга эришишнинг энг тўғри ва яқин йўлини кўрсатиб бермоғи лозим.

Ўзбек халқи ўтган йили жуда катта қаҳрамонлик кўрсатиб, Ватанга 3 миллион 686 минг тонна «оқ олтин топширди. Бунда бутун республикамиз меҳнаткашларининг ва шу жумладан маориф ва фан соҳасида ишлаётган олимлар ва мутахассисларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Республикамиз олимлари фан, маориф ва маданият ходимлари 1964 йилда ҳам мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдек буюк ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

М. Суйков бошлиқ йиғувчилар бригадаси аъзолари сифатли маш» заводида пешқадамликни қўлда сақлаб келмоқдалар. Улар маҳсулот тайёрлашда «Ташсельмашда смена топшириқларини доимо ортиғи билан адо этишаяпти. Суратда: ўртоқ М. Суйков (чап-да) раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ҒАЙРАТ БИЛАН

Механизациялаш бошқармаси коллективининг меҳнатсеварлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми тарихий қарорларидан илҳомланиб етти йиллигининг олтинчи баҳодир йили топширигини муддатидан олдин бажариш учун мусобақани бошлаб юбордилар. Механизаторлар маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш бўйича катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Электр цехи слесаридан М. Измайлов, В. Андреев, сим ўровчи Е. Ушакова, электрчи И. Молчанов ўртоқлар бу ишда айниқса, зўр ғайрат кўрсатаётирлар. Цех азаматлари янгиликларга таянганликлари учун ҳам мингларча сўм маблағни тежаб қолмоқдалар. Бошқармадаги бошқа цехларда ҳам жонкуяр рационализаторлар сони ой сайин ошиб бораяпти. Улар жорий этган янгиликлар эвазига бошқарма бўйича ўтган йилда 53 минг сўмлик фойда кўрилди.

М. СУЛТОНОВ.

«Алмаликсвинецстрой» трести.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» Натижаларни маълум қилади

«БЎКАДА ШУДГОРЛАШ КЕЧИКАЯПТИ»

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1963 йил 5 декабрь сонида босилган «Бўкада шудгорлаш кечикаяпти» сарлавҳали мақола Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети бюросида кенг муҳокама қилинди ва унда келтирилган фактлар тўғри деб топилди.

«Ленинизм» колхози раҳбарларининг (колхознинг собиқ раиси Азаматов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Бобоқулов, агрономи Холматов ўртоқлар) ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажараолмаганлари ҳолда, 1964 йил ҳосили учун замин тайёрлаш ва кузги-қишки тадбирларни амалга ошириш ишларига мутлақо эътибор бермаётганликлари ҳам бюрода алоҳида қайд этилди. Шунингдек, бу колхозда минерал ўғитларни ташишга вақтида киришилмагани, маҳаллий ўғитларни тайёрлаш ва компостлаш бригадалари ташкил қилинмагани ҳам кўрсатиб ўтилди.

Бюро «Ленин йўли» ва К. Маркс номли, «Партия XIX съезди» ва Жамбул номли ҳамда Мичурин номли ва Ильич номли колхозларда ҳам худди шу тахлитда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганини ҳам кўрсатиб ўтди.

«Узсельхозтехника» район бўлимининг раҳбарлари (Парамонов, Иванов ўртоқлар) ҳам қишки тадбирларни амалга оширишда жавобгарликни сезмаётганликлари, бу хўжаликларда тракторлар сифатсиз ремонт қилинаётгани, тракторларни зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ишларига етарли эътибор бермаётганни қаттиқ танқид қилинди.

Партия бюроси бошқарма хўжаликларида кузги-қишки тадбирларнинг белгиланган муддатда тугаллашни таъминлаш юзасидан тадбир-чоралар белгилаб чиқди.

Совхоз директорлари, колхоз раислари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарларига: ўз хўжаликларидаги имкониятларни қайта кўриб чиқиб, қишки тадбирларни тўла таъминлашга сафарбар қилиш, тракторчиларнинг иш нормаларини бажаришлари учун шароит яратиш, тракторларнинг далада ишлаши устидан қатъий контроль ўрнатиш, ўғитларни тайёрлаш ва ташиш ишларини жадаллаштириш, шудгорлашдан олдин, ҳар бир картага, белгиланган миқдорда ўғит сепиш, чиримаган гўнгни далага чиқаришни ман қилиш, сув шохобчаларини тозалаш ва гидротехника иншоотларини ремонт қилиш ишларини назоратга олиш, механизаторлар, компост тайёрлаш бригада аъзолари ҳамда далада ишлаётган меҳнаткаш деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш каби вазифалар топширилди.

Т. РАЖАБОВ,

Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари».

КОРХОНА ЙИРИКЛАШТИРИЛГАЧ

Бундан бир неча ой илгари пойтахтимиздаги 4 та ёғоч ишлаш комбинати бирлаштирилиб, битта йирик корхона-завод ташкил этилди. Завод малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари қурилди. Замонавий техника воситалари жорий қилинди.

Кўрилган тадбирлар ижобий натижа бермоқда. Заводда белгиланган топшириқ орттириб бажарилаётир.

Корхонада етти йиллик олтинчи йили топширигини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. Ўртоқ Г. Шамшинов бошлиқ цех ишчилари ғоюшқоқлик билан меҳнат қилиб, мусобақанинг олдинги сафида бораётирлар.

Шунингдек, биринчи ва тўртинчи цех коллективлари эришаётган меҳнат зафарлари ҳам мақтовга лойиқ. Планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш бу азаматларнинг аҳду паймони бўлиб қолган. Д. Майоров, Ж. Кузьмина, В. Иванов ўртоқлар сингари ўнлаб азаматлар кунлик топширириқларни 120-130 процентдан бажариб, коллективнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўлмоқдалар.

И. РУСТАМОВ.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

ЭКОНОМИКАМИЗ АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИНГ

Республикамиз саноат корхоналарида меҳнат қилаётган минглаб ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар иқтисодий мактабларда ва тўгаракларда ўқиб, ўзларининг билим даражаларини оширмоқдалар. Уларга назарий жиҳатдан ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон давлат нашриёти яқинда «Ўзбекистон саноати экономикасининг асослари[1]» номли ўқув қўлланмасини нашр қилди. Қўлланма КПСС Марказий Комитети олий партия мактаби совет экономикаси кафедраси тузган программа асосида иқтисод фанлари доктори, профессор О. Б. Жамолов раҳбарлигида республикамизнинг бир группа атоқли экономистлари томонидан ёзилган. У мазмуни жиҳатидан ҳозиргача нашр қилинган қўлланмалардан фарқ қилади.

«Хўжаликни юритишни ўрган» (I боб), «Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда саноатнинг роли» (II боб) сарлавҳали бобларда мамлакатимиз саноатининг, шу жумладан Ўзбекистон саноатининг яқин 20 йил ичидаги тараққиёти ва етти йилликда ривожланишига доир маълумотлар берилади. Айни вақтда ишчи ва хизматчилар томонидан иқтисодий билимларнинг пухта ўрганиш саноатнинг ички резервларини аниқлаш ва жамғармани кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилади. Қўлланманинг навбатдаги III—XI бобларида ишлаб чиқаришни бошқариш ва планлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнатни нормалаш ва иш ҳақи, техникадан унумли фойдаланиш, маҳсулот таннархини камайтириш, коммунистларча ишлаш ва яшаш масалалари ёритилади.

Қўлланмада меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари, ишлаб чиқариш новаторлари иш тажрибаларининг ёритилиши диққатга сазовордир. Бунда «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», Тошкент тўқимачилик комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи, «Строммашина». Тошкент кабель заводи каби йирик корхоналар коллективларининг илғор тажрибалари умумлаштирилган. Бу корхоналар коллективларининг ишлаб чиқаришни юксалтириш соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари атрофлича ёритиб берилган.

Китоб содда, оммабоп қилиб ёзилган, мураккаб иқтисодий масалаларнинг моҳияти яхши очиб берилган, хилма-хил схема ва диаграммалар берилган ва ҳар бир темага уни қайтариш учун контроль саволлар илова қилинган.

Лекин китоб айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Бизнингча «Хўжаликни юритишни ўрган» сарлавҳали биринчи бобни иккинчи бобга қўшиш ва уни 2-боб охирида бериш керак эди. Чунки хўжаликни юритиш масалалари коммунистик қурилишнинг узвий масалаларидан биридир. Бобларни бундай жойлаштириш орқали иқтисодий таълимнинг аҳамиятини янада чуқурроқ очишга имконият туғилади.

Китобда Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгашининг ташкил қилиниши ва унинг республикамиз саноатига раҳбарликни яхшилашдаги аҳамияти ҳақида ҳечнима дейилмаган. Ўзбекистон ССР саноатининг етти йилликда ривожланиши ва яқин 20 йил ичида юксалишига доир рақамлар берилган бўлса ҳам лекин республика саноатининг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги тутган ўрни, унинг энг муҳим тармоқлари, пахтачилик ва бошқа хўжалик соҳаларини ривожлантиришдаги роли, шунингдек, Ўзбекистонда қудратли социалистик индустрияни барпо қилиш тарихи қисқача бўлса ҳам қайд қилиб ўтилмаган. Холбуки бу масалалар иқтисодий мактабларда ўқувчиларни, айниқса, қизиқтиради.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Программаси ҳақидаги докладида: «Энди ишлаб чиқариш ва қурилишда иқтисод қилиб қолинган маблағларнинг ҳар бир проценти ишлаб чиқаришни ва турмуш даражасини қўшимча суратда ўстиришнинг жуда катта манбаига айланади» деган эди. Бу масалани ўқувчиларга рақамлар асосида тушунтириш муҳим аҳамиятга эга. Авторлар Ўзбекистон бўйича маҳсулот таннархини бир процент камайтириш қанча маблағ иқтисод қилишга, давлат планларини ошириб бажариш, хомашё, ёқилғини тежаш қандай самаралар бериши, шунинг эвазига тежалган маблағлар ҳисобига қанча мактаб, уйжой, шифохоналар қуриш мумкинлигини аниқ кўрсатувчи рақамларни мисол қилиб кўрсатганларида, китобнинг қиммати янада ошган бўлур эди.

Аммо бу камчиликларга қарамасдан китоб иқтисодий мактаб ўқувчилари ва саноат экономикаси масалаларини мустақил ўрганувчиларга яхши қўлланмадир. Китобни ўзбек тилига таржима қилишда юқорида кўрсатилган камчиликлар тузатилса яхши бўлур эди.

Ҳ. СОБИРОВ,

Тошкент халқ хўжалик институтининг кафедра мудири.

[1] Основы экономики промышленности Узбекистана. 1963 г. Т. 282 стр.

СОВХОЗНИ РЕНТАБЕЛЬ ХЎЖАЛИККА АЙЛАНТИРАМИЗ

ИЛҒОРЛАР МИНБАРИ

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги 1-«Оҳангарон» совхозининг коллективи партия ва ҳукуматимизнинг яқиндан оталарча қилаётган ғамхўрлигидан самарали фойдаланиб хўжаликнинг ҳамма соҳаларини кескин ривожлантирмоқда. Совхоз ишчилари айниқса сўнгги уч йил ичида фидокорона меҳнат қилишди. Мингминг гектарлаб фойдаланилмай ётган яйлов адрлар, лалми ерлар ишга солинди. Чорва моллари етарли миқдорда ем-хашак билан таъминланиб турилди. Қисқа вақт ичида ўзлаштирилиб ишга солинган 2000 гектарга яқин ердан баракали хирмон кўтарилди. Аввалари ҳар гектар ердан 5—6 центнердан ҳосил олинар эди. Ишчилар техникадан, маданий ва маҳаллий ўғитлардан усталик билан фойдаланишлари орқасида жуда кўп майдонларда ҳосилдорлик гектар бошига бир йилдаёқ 8—9 центнерга кўпайди. Буни ўтган йилнинг қувончли якунларида ҳам кўриш мумкин. Хўжалик ғаллакорлари она-Ватан омборига пландаги 470 ўрнига 1470 тонна ғалла тўкдилар. Бу Ўрта Чирчиқ бошқармаси хўжаликлари орасида эришилган жуда катта ғалабалардан биридир.

Совхоз ишчилари жамоат чорвачилигини ривожлантириш ишига ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Чорва молларининг сони кўпайибгина қолмасдан маҳсулдорлиги ҳам анча ортди. Совхоз маъмурияти йилдан-йилга жамоат ва чорва бинолари қурилишини жадал суръатлар билан олиб бормоқда. Қисқа вақт ичида ўнлаб турар-жой ва чорва бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Совхоз ишчилари қўлни-қўлга бериб ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликнинг сертармоқли бўлиши учун кураш — уларнинг асосий эътиборида. Ўтган йили пахтачилик соҳасида эришилган ютуқ ҳам яхши бўлди. Совхоз бўйича пахта тайёрлаш плани 221 процент адо этилди.

Мана, ҳозир совхознинг қайси бир соҳаси билан қизиқманг ундаги эришилаётган ютуқлар кўнглингизни қувонтиради. Ҳамма соҳада фойда. Ишчиларнинг меҳнатлари совхозни олдингилар қаторига ўтиб олишига сабаб бўлди. Қуйида рентабель ишлашга интилаётган шу совхознинг иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўртоқ Ф. ҒУЛОМОВ.
Совхоз директори

Ўртоқ Ғ. ОХУНОВ.
Бош агроном

Ўртоқ Т. ЖАМОЛХЎЖАЕВ.
Партия ташкилотининг секретари

Ўртоқ С. ЎРОЗАЛИЕВ.
Илғор чўпон

Ўртоқ А. ИЎЛДОШЕВ.
Зоотехник

Ўртоқ С. МАТАСИМОВ.
Биринчи бўлим бошқарувчиси

„Яқин йиллар ичида дон етиштиришни 5—7 миллиард пуд кўпайтириш, яъни доннинг ялпи ҳосилини 1970 йилда 14—16 миллиард пудга етказиш энг зарур вазифа деб ҳисоблансин. Дон етиштиришни мана шундай кўпайтириш мамлакатнинг ғаллага бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашга, давлат резервларини тўлдиришга ҳамда зарур миқдорда гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олишга имкон беради.“

(КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил декабрь Пленуми қароридан).

Ўртоқ А. ПАРПИЕВ
Ғаллачилик бригадасининг бошлиғи.

Ўртоқ З. ТОИРОВ
Пахтачилик бригадасининг бошлиғи

Ўртоқ С. ШАМСУТДИНОВ.
Агроном

Ўртоқ Х. ҚУШМАТОВ.
Ферма мудири

ОЛТИН БОШОҚ ВОДИЙСИ

Асрлар бўйи элимиз, халқимизнинг бойлиги, тўқлиги маъмурчилиги —ердан, деҳқончилик, чорвачиликдан рўёбга чиқиб келяпти. Ахир қадимда деҳқоннинг бутун тирикчилиги бир парча ер, бир соғин эчки билан ўтган-ку! Лекин шундайлар ҳам борки, ернинг умрини зое ўтказиб, чорва туёғидан тўғри фойдаланаолмай наф ўрнига зарар кўришади. Фикримизнинг исботи учун бизнинг хўжаликни олиб кўрайлик. Совхозимиз кўп йиллардан бери давлатга жуда катта зарар етказиб келарди. Бепоён ери, суви, чорваси яйраб ўсадиган бағри кенг яйлови, олтин бошоқлар макони—лалми ерларга бой хўжалик наҳотки деҳқончилик, чорвачиликдан зарар кўрса? Бу жуда ажабланарли ҳол эди, албатта. Аммо афсус билан айтиш керакки, хўжалик 1961 йили давлатга 475 минг сўм зарар келтирганди.

Мана, унинг сабаблари:

Биринчидан, мавжуд экин майдонидан тўлиқ фойдаланилмади, иккинчидан, ишга асгойдил киришилмагани туфайли ҳосилдорлик жуда паст бўлди. Жумладан, 1961 йили хўжаликда 3600 гектар майдонга ғалла экилган бўлса, унинг ҳар гектаридан 6,8 центнердан ҳосил қўтарилганди.

1962 йили хўжаликда 4700 гектар лалми ерга дон сепилган бўлса, гектаридан пландаги 7,5 ўрнига 12,8 центнер буғдой, пландаги 7,1 ўрнига 12,5 центнердан арпа, 15 центнердан нўхот ҳосили олинди.

Шунинг учун ҳам давлатга ғалла сотиш плани қарийб уч баравар ортиғи билан бажарилди. Пландаги 480 тонна ўрнига 1470 тонна дон сотилди. Аммо, бу ҳам марра эмас, албатта. Ундан ҳам юқори ҳосил олиш ва экин майдонини янада кенгайтириш мумкин.

Кечагина бўлиб ўтган жонажон Коммунистик партиямиз Марказий Комитетининг Пленумида ҳам яқин йиллар ичида дон етиштиришни кескин кўпайтириш, мамлакатимизнинг ғаллага бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашдек муҳим масалага катта эътибор берилди. Шу билан бирга миллиард-миллиард пуд донни, талаб этилган миқдордаги ғаллани қаердан олиш ва қайси зоналарда етиштириш кераклиги ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди. Ана шулар ҳақида фикр юритар эканмиз бепоён мамлакатимизда ҳали фойдаланилмаётган қанча-қанча ерлар, кенг қир адрлар кўз ўнгингда гавдаланади.

Жумладан, мана биргина бизнинг зонадаги тоғ этакларини олайлик. **Бизнинг совхозимизнинг ўзида 15 минг гектардан зиёд қир-адрлик, лалми ерларимиз бор. Шунингдек қўшни хўжаликларда ҳам бундай ерлар сероб. Эндиги вазифа водийларга ҳужум қилиб, у ерлардан фойдаланиб элимизнинг дон хўжалигини ривожлантиришдан иборатдир.**

Ғаллакорларимиз ўтган йили 500 гектар майдонни ўзлаштириб уруғ сепишди. Биз экишдан аввал уруғнинг сарасини танладик, яхшилаб дориладик, сўнгра ерни сифатли ҳайдаб, молалаб, кейин уруғ сепилди. Ота-боболаримиздан қолган «Ер тўймаса-эл тўймайди» деган нақл бор. Ғаллакорларимиз ана шу ҳикматли сўзга амал қилиб, олтин бошоқ мўл бўлиши учун гектарларга уруғни қалин сепишди. Ерга тушган дон шу кунларда илдиз отиб қолди. **5045 гектар ерга уруғни ўз вақтида сепиб қўйилгани дуруст бўлди, энди ўзини бақувват тутиб олган уруғ на совуқ, на шамолдан қўрқади.**

Кузда, планга қўшимча равишда, 285 гектар суғориладиган ерга ҳам дон сепдик. Ниятимиз олтин бошоқлардан мўл ҳосил ундириб нонни кўпайтириш ва хўжаликни давлатга зарар келтиришидан қутқариш.

ЧОРВАЧИЛИК—БОЙЛИК МАНБАИ

Ғалла-ку совхознинг бир тармоғи, лекин энг сердаромад манба —чорвачилик ҳам, айниқса, кўп зарар келтирарди. Молларнинг туёғи кўпайиши ўрнига камайиб, маҳсулдорлиги ҳам кескин пастлашиб кетган.

Вазифа мумкин қадар чорвачиликни ривожлантириш, мол туёғини кўпайтириб, маҳсулдорлигини оширишдан иборат эди. Шундай қилинди. Кенг яйлов, қир-адрлардаги қўй-қўзиларнинг боқувига жиддий эътибор берилди. Қўзилатиш ва жун қирқиб олишда чўпонлар масъулияти оширилиб, уларни ишга яна ҳам қизиқтириш мақсадида нормадан ташқари олган маҳсулоти эвазига қўшимча ҳақ, мукофотлар беришга қарор қилинди.

Шуни ҳам айтиш керакки, илгари қўйлар учун жойнинг тайини йўқ, отарлар эскириб, бузилиб кетган, озуқа етишмас эди. Кейинги икки йил ичида ҳамма отарлар капитал ремонт қилинди, янгидан 20 қўра қурилди. Айниқса, қўзилайдиган совлиқларга алоҳида, қулай жойлар тайёрланди.

Бу тадбирлар қувончли натижа берди. 1961 йили хўжаликда 15 минг бош қўй — эчки мавжуд бўлса, шу кунга келиб уларнинг туёғи 20,500 бошга етказилди. Қўйчиликнинг маҳсулдорлиги ҳам кескин ошди. Ҳар юз бош жайдари совлиқдан пландаги 95 ўрнига 99 бошдан қўзи олинди. Майин жунли, зотли совлиқларни боқаётган илғор чўпонларимиз ҳар юз бош совлиқдан 105—110 бош атрофида қўзи олишди.

Жун қирқиб олиш ҳам бирмунча ошди. Ҳар бош қўйдан пландаги 2 килограмм ўрнига 2,4 килограммдан жун олинди. Шундай қилиб, қўйчилик ҳам хўжаликка катта даромад келтирабошлади.

Энди йирик шохли қорамолларга келсак. Аввало, молни саралаб, мумкин қадар зотлисини танлаб, маҳсулот берадиганларининг туёғини кўпайтириш даркор эди. Иллар бўйи кам сут бериб келаётган, насл бермаётган қисир моллар семиртирилиб, гўштга топширилди, ўрнига зотли сигирлар сотиб олинди. Лекин чорва маҳсулдорлигини оширишда шунинг ўзи кифоя эмас, албатта. Чорвага яхши ем керак, қишловига эса қулай жой ҳам керак. Ишни биз ана шундан бошладик. Ҳамма бўлимлардаги молхоналар сифатли ремонт қилинди. 2, 3-бўлимларимизда 1600 бош сигирга мўлжалланган типовой молхона қурилди. Қўл меҳнатини камайтириш, иш унумини ошириш мақсадида бу молхоналарда «тандем» агрегати ўрнатилди.

Энди энг муҳими мол озуқасини жамғариш, қиш бўйи уларга етарли ем-хашак тайёрлаш зарур эди. Бу ўринда бир мисолни келтириш ўринли бўлади. Аввалари ем-хашак моллар ётадиган жойдан жуда узоқда бўлгани туфайли уни ташишнинг ўзига анчагина маблағ харажат қилинган ҳамда хашак то жойига келтирилгунча исроф ҳам бўлган.

Ана шуни назарда тутиб, ҳар бир молхонанинг ёнгинасида шу ферма чорвасига етарли озуқани тайёрлаб қўйдик. Эрта баҳорданоқ чорва қишловига тайёргарлик кўрилабошланди. Атрофимиз қир-адр. 1963 йил баҳори жуда саҳий келди, тўйимли озуқага бой табиий ўт барра бўлиб ўсди. Мумкин қадар кўпроқ ўриб олишга ҳаракат қилинди. **8000 тонна дағал хашак тайёрладик.** Лекин хашакнинг ўзи билан иш битмайди. Молларга ширали силос ҳам керак. 1961 йили 180 гектар майдонга маккажўхори экилган бўлса, **1963 йилда 500 гектарга кенгайтирилди.** Агар ўша йили бир гектар майдондан 30—35 центнердан кўк поя олинган бўлса, **1963 йили маккажўхори кўкпояси 400—500 центнерга кўтарилди. Гектаридан 1000 центнердан кўкпоя олган маккажўхорикорларимиз ҳам бор.**

Шундай қилиб, **биз 12 минг тонна силос тайёрладик. Бу ҳар бир соғин сигирга 14 тоннаданга тўғри келади.**

Сигир сутини ширали ва серқаймоқ қилишда қанд лавлаги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу экиннинг ҳам майдони ва ҳосилдорлиги оширилди. Натижада чорвачиликдан олинадиган наф кескин ўзгарди. Жумладан, **1961 йилдаги 3450 бош қорамолнинг туёғи 1963 йилга келиб, 4480 бошга етди. Шулардан 1100 бошқа соғин сигир.** Ўша кезлари ҳар бош соғин сигирдан йилига 671 литрдан сут соғиб олинган бўлса, 1962 йилда бу рақам 1050 литрга кўтарилди. **Чорвадорларимиз ҳар бош соғин сигирдан шу кунгача 1300 литрдан сут олишди. Агар 1961 йили совхозда 968 тонна сут тайёрланган бўлса, 1963 йили 1342 тонна сут соғиб олинди. Ҳар 100 бош сигирдан эса 90 бошдан бузоқ олинди.**

Ўтган йил совхозимиз ишчилари давлатга гўшт сотиш планини ортиғи билан адо этишди. 1961 йилда давлатга 286 тонна гўшт сотилган бўлса, **1963 йил пландаги 580 тонна ўрнига 619 тонна гўшт топширилди.**

Ота-боболаримиз паррандачиликни «Етти хазинанинг бири» деб бечиз айтишмаган. Аммо, парранда боқишни ўрнига қўймасангиз фойда ўрнига зарар кўриш турган гап. Товуқнинг ҳам жойи дуруст, дони тайин бўлса тухумни бераверади.

Бу йил биз 30 минг паррандага мўлжаллаб товуқхона қурдик. Донини ғамладик. Натижада тухум олиш кўпайди. **1961 йили 104 минг дона тухум олинган эди. Ўтган йил 508 минг дона тухум олдик. Ўша йили 7800 товуқ ҳозир 18000 га кўпайтирилди. Хўжаликда жун тайёрлаш ҳам кўпайди. Бундан икки йил аввал 23 тонна жун кирқиб олинган бўлса, ўтган йил давлатга 42 тонна жун сотдик.**

Буларнинг ҳаммаси маълум даражада зарарни қоплади, албатта.

САРА УРУҒ—ҲОСИЛ БЎЛИҚ

Маълумки, совхозимизнинг номи сутчилик, сабзавотчилик хўжалик деб юритилади. Биз сабзавот ҳам экамиз. Аммо кўп йиллар мобайнида сабзавотдан дуруст ҳосил олинмаган.

Асл деҳқон шуни яхши биладики, уруғлик хўжаликнинг ўзидан чиқса иш олға босади. Бир йил экиб эккан деҳқон икки-уч йиллик уруғлигини ғамини ейди. 1962 йили экишга уруғимиз йўқ эди. Уни сотиб олиб экишга кўп пул ҳаражат қилинди. Пиёз уруғи сотиб олишнинг ўзига 60 минг сўм сарфладик. **Шу йили келаси йили учун ўзимиздан уруғ чиқаришга киришдик. Мана, 1963 йил баҳорида кўпчилик уруғ ўзимиздан чиқди.** Булар сара уруғ эди. Шунинг учун ҳам биз бу йил сабзавотнинг ҳамма туридан пландагидан юқори ҳосил олдик.

1961 йилга нисбатан минг тоннадан зиёд сабзавот тайёрладик.

Биз ёш ниҳоллар оралиғидаги ернинг умри зое ўтмасин деб, 100 гектар боғ ичига ва 100 гектар бошқа қўриқ ерга эрта баҳор чигит эккандик. Деҳқонларимиз бу экинни биринчи йил экишига қарамай ундан юқори ҳосил олишди. **Пахта тайёрлаш планимизни 221 процентдан ошириб юбордик. Алимат Ортиқов раҳбарлик қилган бригада аъзолари бўз ерларнинг гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» олишди.**

Шундай қилиб хўжаликни рентабеллик қилиш йўлидаги дастлабки қадамимиз натижаси қувончли бўлди. 1961 йили давлатга 475 минг сўм зарар келтирилганини айтган эдик. 1962 йил якунида бу зарар 359 минг сўмга туширилди. 1963 йили зарарни 200 минг сўмга камайтирдик. Бутун куч ва эътиборимиз келгуси йили хўжалигимизни рентабель асосида ишлашга кўчиришга қаратилган. Бунинг учун бизда барча шарт-шароит мавжуд.

Ф. ҒУЛОМОВ,
Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги 1-«Оҳангарон» совхозининг директори.
Т. ЖАМОЛХЎЖАЕВ,
партия ташкилотининг секретари.
Ғ. ОХУНОВ,
бош агроном.







Совхоз моллари яйловда
В. Салов фотолари.

Оппоқ қор — гашти бор...

М. Нуриддинов фотоэтюди.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

СПОРТ МИЛЛИЙ КЕНГАШИ

ЖАЗОИР, 2 январь. (ТАСС). Жазоирда спорт ишлари миллий кенгаши тузилди. Давлат бошлиғи Аҳмад бин Белла кенгаш раисидир.

КАНАДАДА АМЕРИКА ЯДРО ҚУРОЛИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг Норт-Бей (Онтарио вилояти)дан хабар беришича, бу ерда жойлаштирилган Канадага қарашли «Бомарк» самолёт — снарядлар эскадрильясини қуроллантириш учун бу ерга ядроли боеголовкалар етиб келганлигини Канада ҳарбий ҳаво кучлари эълон қилган.

А. ХАСИН БИЛАН Н. ГАПРИНДАШВИЛИ ОЛДИНДА

ЛОНДОН, 2 январь. (ТАСС). Гастингсдаги традицион турнирда совет шахматчилари олдинда бормоқда. Унда жаҳондаги 10 мамлакатнинг шахматчилари қатнашмоқда. Мастер А. Хасин энг яхши натижага эришди: у Гастингсда бехато ўйнаб, ўтган уч ўйинда 3 очко олди. Жаҳоннинг собиқ чемпиони М. Талнинг 2 та очкоси бор. У югославиялик гроссмейстер С. Глигорич билан учинчи —тўртинчи ўринларда турибди.

Жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили эркакларнинг «Челленжер— турнир»ида пешқадамлик қилмоқда. Нона иккинчи ўйинда француз Озини ютиб, 2 очко тўплади (биринчи ўйинда инглиз шахматчиси Томас жаҳон чемпионига «таслим бўлган» эди).

ТУРМА КАМЕРАСИНИНГ ДЕВОРИДАН ТОПИЛГАН НАРСАЛАР

СЕВАСТОПОЛЬ, 2 январь. **(ТАСС мухбири).** Бинокор ишчи Л. И. Корнеенко Севастопольдаги собиқ турма камераларидан бирининг деворини бузиш вақтида мўри ичига беркитиб ташланган бир тугунча топиб олди. Унинг ичида маҳбуслар қалпоғи, дафтарлар ва қоғоз варақлари, чўнтакда олиб юриладиган яп-алоқ электр фонисча, қизил латта қийқимлари ва рогатка бор экан.

Дафтарларнинг кулранг картондан қилинган муқовасига босма ҳарфлар билан «Партиясиз социалистик «Тюрьма» журнали, Севастополь» деган сўзлар ёзилган. Ана шу ёзув остида 11 ва 12 деган рақамлар, шунингдек 1906-1907 деган сана бор.

Топилган нарсалар Қора денгиз флоти музейига топширилди. Музейнинг илмий ходимлари рогатка ёрдами билан материаллар махфий равишда ташқарига чиқариб турилган, ана шу материаллар кейинчалик яширин босмахонада кўпайтирилган, деб тахмин қилмоқдалар. Журналларнинг саҳифаларида «Мўйсафид», «С. Д.» ва шу каби бошқа имзолар билан сиёсий обзор ҳамда бир қанча мақолалар босилган. Чамаси бу, ноябрь қўзғолонида қатнашган маҳбусларнинг тахаллуслари бўлса керак.

Сўроқларда гувоҳлик берган кишилар тўғрисида журналларда нафрат ва жирканч билан ёзилган сўзлар бор. Шу билан бирга, подшонинг, жандармларнинг, буржуйларнинг карикатураларини ҳам кўриш мумкин.

Ҳозир музей илмий ходимлари ана шу материалларни ўрганмоқдалар.

КИПРГА ҚУШИНЛАР ЮБОРИЛДИ

ЛОНДОН, 2 январь. (ТАСС). Буюк Британия ҳарбий-ҳаво кучлари министрлиги Англия қуролли кучларининг янги қисмлари Кипрга жўнатилганлигини хабар қилди. 16-ҳаво десант бригадасидан 800 парашютчи бугун кечаси ўша ёққа жўнатилади.

НАТО КЕНГАШИ КИПРДАГИ АҲВОЛНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДА

ПАРИЖ, 3 январь. (ТАСС). Кеча бу ерда НАТО доимий кенгашининг фавқулодда мажлиси бўлди. Бу мажлисда Кипрдаги аҳвол масаласи муҳокама қилинди. Греция ҳукуматининг илтимосига кўра чақирилган ана шу мажлисда Греция, Туркия ва Англия вакиллари сўзга чиқдилар. Уларнинг нутқидан сўнг кенгаш ҳеч қандай қарор қабул қилмай, мажлисни бошқа вақтга кечиктирди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ҚИСҚА САТРЛАР

✦ Боке бўйича «Буревестник» спорт жамияти республика советининг очиқ шахсий команда биринчилиги тугади. Унда физкультура институти студенти Виктор Леляко ва «Динамо» спорт жамиятининг вакили Раис Болтачевлар спорт мастери нормасини бажаришга муваффақ бўлдилар.

М. ИЛҲОМБЕКОВ.

✦ Олой бозорида бирйўла юз киши овқатланадиган янги ошхона очилди. Малакали пазандалар тайёрлаган таомлар хўрандаларни хурсанд қилмоқда.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

✦ Яқинда пойтахтнинг Ленин районидаги Болгарские ғоороди массивида янги муҳташам бино қад кўтарди. Бу катта амбулатория замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, район меҳнаткашлари учун анча қулайлик туғдирди.

Р. ИСМАТИЛЛАЕВ.

✦ Калинин ишлаб чиқариш бошқармасида халқ театри ташкил қилинди. Унга Тошкент маданий-оқартув техникумининг ўқитувчиси ўткир Обидов раҳбарлик қилмоқда. Ёш ижодий коллектив У. Умаровнинг «Ҳақ йўл», Ҳ. Ҳакимзоданинг «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила хизматчи» ва бошқа драмаларни саҳналаштирмоқда.

И. УРИНБОЕВ.

✦ Оржоникидзе посёлкаси меҳнаткашлари яқинда яхши бир туҳфа олдилар. Бу ерда 80 ўринли янги кафе ишга туширилди.

А. СОТВОЛДИЕВ.

ТАБИАТ АЖОИБОТЛАРИ

БОЙЛИКЛАР ҲАЗИНАСИ

Угам тоғларида Етти зиндон даралари бор.

Бу сўзни эшитганда беихтиёр неча-неча кишиларнинг ёстиғини қуритган тарихнинг жирканч саҳифалари эсга тушади. Унинг тўғрисида бизгача етиб келган дахшатли афсоналар ота-боболаримизнинг аянчли қисматлари тўғрисида мудҳиш ҳикоялар сўзлайди. Аммо биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Етти зиндон бунинг тамомила акси. У областимиз Олатоғлари орасида жойлашган бўлиб, чуқур етти дарадан ташкил топган. Неча йиллар давомида бу ерларга инсон қадами етмай, ёввойи ҳайвонлар, қушлар маконига айланиб қолган эди.

Етти зиндон... Номи хунук, лекин унинг табиатига бир назар ташланг: ям-яшил ўрмонзорлари, зилол сувли чашмалари, ширин-шакар мевалари, анбар ҳидли гуллари қалбингизни қитиқлайди, ҳаяжонга солади.

Қиш фаслида тоғларнинг усти момиқ қорлар билан безанганда ҳам даралар баҳор тўнларини ечмайдилар — ўйлоқ ёйган кенг арчазорлар бу ерга абадий баҳор фаслини бахш этган. Шунинг учун ҳам Угам тоғлари қиш либосини кийганда Етти зиндон атрофидаги яйловлар, кўмкўк майсалар, ям-яшил ўрмонлар ўз қиёфаларини кўз-кўз қилиб турадилар. Баҳор ойларида дов-дарахтлар гулга чўмганида бу ерлар янада латофатли гўзал бўлиб кўринади кўзга. Миллионлаб асаларилар бол тўплайди, шўх қийиклар болалайди, қушларнинг қувноқ куйлари киши юрагига олам-олам қувонч бахш этади. Даралар бир-бирларидан 200 — 300 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, беҳисоб бойликларни ўз бағрига олиб ётибди. Лекин улар ҳозирча яхши текширилмаган. Бу ерлар асаларичилик, чорвачилик, боғдорчилик хўжаликларини ривожлантириш учун жуда қулайдир. Бу жойларнинг сирини очиш халқ хўжалигига улкан бойликлар бахш этади.

М. ТУЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.

ЧОТҚОЛ ГАШТИНИ СУРИНГ

Шаҳар атрофидаги тоғ тизмаларига қалин қор ёғди. Агар мусаффо арча ҳиди аралаш ёқимли тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олай, мириқиб ҳордиқ чиқарай десангиз Чимён, Қурама, Пском ва Бўстонлиқ тоғларига чиқинг. Армонда қолмайсиз!

Тиззагача келадиган қорни, узун қўнжли этигингиз билан «чангитиб» анави булутларга ўралиб олган чўққига кўтарилсангиз кўз олдингизда ажойиб, кишини ўзига мафтун қиладиган манзара пайдо бўлади. Пастда 60—80 ёшлик ёнғоқ ва оқ қайин. Улар орасида эса шилдираб, кўпикланиб оқаётган сойчага кўзингиз тушади.

Баланд-баланд дарахтларга чирмашиб олган тоғ узуми ва наъматакларнинг баргсиз новдалари кўринади. Наъматакнинг қип-қизил меваларига қор босган новдаларига терилиб турибди. Чўнтагингизни бу меваларга тўлдириб олишни унутманг. Қон босими ошган қариндош-уруғларингиз бўлса, наъматак дори. Витамини ҳам кўп.

Атрофингиздаги тоғ ёнбағрида йўғон-йўғон арчалар ўзларининг қиғир-қийшиқ гавдаларини бекитиш учунми, ҳарқалай, то пастгача қора зангори тиконли либосга бурканган.

Дарахтлар орасида турли излар. Бу излар орқали кўп нарсаларни англаб олиш мумкин. Манави оҳисталик билан босилган бир қатор из тулкига тегишли бўлса, шошилинч равишда қорни тўзғитиб босилган икки қатор излар қўённикидир. Бундан кўриниб турипти, ўз орқасидан тушган тулкини кўрган қўён чап бериб қочиб қолипти. Бўлмаса тулкининг жиғилдонидан жой олиши турган гап. Нарироқда эса чуқур ботган излар —5—6 та така ўтган бўлса керак.

Каштачи гул юргизгандек майда излар каклик ларники. Уларнинг бир галаси қор тушмаган арча тагида дон излашганга ўхшайди. Янги из кетидан тушсангиз эгасини учратиб қолишингиз мумкин.

Тўнғизлар одатда қоронғу тушиши билан то тонг отгунча сойма-сой изғиб ўт-ажириқларнинг илдиз томирларини кавлаб еб, тонг отиши билан қалин арчалар тагида кун бўйи ухлашади. Тоғларга қалин қор ёққани сабабли, тўнғизнинг овқат топиши қийинлашиб қолди. Расмдаги ёш тўнғиз кечаси билан «ер ҳайдаб» қорнини тўйдираолмагани учун кундузи ҳам чакалакзорларда овқат қидириш билан овора. Башарасининг ҳунуклигидан уялиб, спорт мастери альпинист Юрий Вотринининг фото объективига орқасини кўрсатиб тушибди. Ҳозир ёввойи тўнғиз, кийик, айиқполвон ва такалар овчиларни учратишса — қўрқишмайди. Ов мавсумининг тамом бўлганини сезишган.

Агар ов ишқибози бўлмасангиз то 15 январгача каклик ва қўён овига, то 1 февралгача силовсин, оқ сусар, қоплон ва тулки овига боришингиз мумкин. Биринчи февралдан кейин бутун ов ман этилиб, фақат бўри ва чиябўриларни қопқон ва тузоқлар билан илинтириб, йил давомида бўрига 60 сўм ва чиябўрига 15 сўмлик мукофот олиб юришингиз мумкин, холос.

Агар ҳозирги ганимат кунларда каклик ва қўён овига бораолмасангиз милтиғингизни то баҳорги ўрдак овигача мойлаб қўйинг. Қўён юқорироқ кўтарила бошлади, кунлар чумчуқ қадам билан узайиб, баҳор томон ога бошлади.

Ғ. ЖУРАЕВ.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ЙИҒИЛИШИ

Кеча Октябрь район партия комитетининг биносида пропагандистларнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Райондаги барча партия ташкилотларининг секретарлари, пропагандистлар, агитаторлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этган бу йиғилиш ҳозирги куннинг муҳим масаласига — мамлакатимиз химиясини кенг ривожлантириш истиқболларига бағишланди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қатнашчиси, Тошкент саноат область партия комитети ва область ижроия комитети партия-давлат контроли комитетининг раиси ўртоқ И. Раҳматов декабрь Пленумининг якунлари ҳамда партия ташкилотлари, шунингдек пропагандистлар олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Район пропагандистлари билан ўтказилаётган бу хилдаги йиғилишлар уларнинг амалий фаолиятини янада жонлантириб юборишида ҳамда аҳоли ўртасида декабрь Пленуми материалларини кенг тарғиб қилишда муҳим роль ўйнайди.

М. ЗАРИПОВ.

ПОЛВОНЛАР ХОТИРАСИ

Пойтахтимизда машҳур рус паҳлавони Иван Поддубний ва совет нурашчиси Григорий Пильнов мукофоти учун эркин ва классик кураш бўйича традицион очиқ мусобақалар ўтказилди. Мукофот учун 120 спортчи куч синашди. Вазн тартибида нуйидагилар мусобақа голиби бўлдилар: эркин кураш бўйича — К. Каримов, («Динамо»), Ю. Эгамбердиев («Буревестник»), В. Хадарцев, Р. Готагов, В. Волошин, А. Манько (ҳаммаси «Динамо»); классик кураш бўйича — Ж. Нуршин («Буревестник»), Р. Байрамов («Динамо»), Л. Некрасов («Меҳнат резервлари»), А. Аблаев («Динамо»), Ю. Яковлев («Буревестник»), Ю. Зеленин («Динамо»), А. Абайдуллин («Меҳнат резервлари»).

„СИРНИ ОЧМАНГ...“

ФЕЛЬЕТОН

□ □ □

Абдураим Тўймуродов деган шахс шоирман деб юради, унинг шоир бўлиб бирон нарсани қойил қилиб қўйганини ҳеч ким эслай олмайди. У шоирлик номини сотиб, ҳамма ёқни олгов-долгов қилиб юборди.

Йўқ, яхшиси, ҳаммасини бошидан бошлаймиз... Шундай қилиб Тўймуродовнинг нотовон кўнгли гоҳо шеър ёзишни истаб қолар, лекин икки қатордан нарига ўта олмай, ё папирос чекар, ёки ичкарига кириб, «илҳомимни қочириб юбординг», деб хотинига ёпишарди.

— Вой, қанақа илҳомингизни қочирибман? — ҳайрон бўлади аёл.

— Ҳунуксан, афтингга қарадим дегунча илҳомим қочади, — шовқин солади «эр».

Ўша кунлари «шоир»нинг маиший жиҳатдан бузилиб келаётган пайти эди. Шеър ёзишга ўтирди дегунча кўз олдига гўзал қизлар келар, шеър бир чеккада қолиб, Тўймуродов ҳаёлдаги қизга кўз қисиб, пинакка кетган кўкнориДек мудраб ўтираберарди. У адабиёт тўғаракларидан бирида бош бўлиб олсам, гўзал қизлар, гулдек тоза юзлар ахтиёримда бўлади-ку деб ўйларди. (Бизда гоҳо шилқимларни қўллаб-қувватловчилар ҳам учраб туради). Ва:

— Устоз, мени тўгаракка бош қилиб қўйинг! — деб илтимос қилди у.

— Ўйлаб кўриш керак.

— Ўла-ўлгунча хизматингизда бўламан... — Тўймуродов эгилиб, «устози»нинг этагидан ўпди, йиғлади, эмаклаб бориб ерга тушиб кетган папиросини олиб берди.

Ҳар қандай ёш юрак орзусиз яшай олмайди дейдилар. Ёшлида қайноқ юракда ширин истаклар, ҳис-туйғулар тугён уради. Жўшқин ҳаёт, соф севги шодликларини шеърий мисраларда ифода этишга қайси қалб интилмайди дейсиз. Шеърият чаманига сара гуллар узиш учун кирган, ўз замонасининг бахтиёр қуйчиси бўлиш ишқи билан тўлиб-тошган ёшларимиз озмунча дейсизми. Нопок қалб эгаси Тўймуродов ана шундай ёшлардан бир йўла 90 тасига бош бўлиб келди. «Мен ҳаммаларингни шоир қилиб юбораман» деб ўтирганларни ишонтирди. Очкўз одам тўкин дастурхон устидан чиққандек, тамшаниб, лабларини қандай чапиллатса, Тўймуродов ҳам гулгул яшнаб турган ёш қизларга кўз ташлаб, ана шундай тамшанди. Лаблари қалтираб оғир ютунди, кейин ҳеч варсадан ҳеч нарса йўқ муҳаббат ҳақида лекция ўқишга тушиб кетди, мисоллар устига мисоллар келтирди.

— Домла, муҳаббат бўлмаса шеър ёзиб бўлмайдими? — сўради қизлардан бири.

— Йўқ,—тушунтирди «шоир»,— шеър ёзиш учун бирон кишини албатта севиш керак...

— Домла, фидоилик деганингиз нима ўзи? — сўради бошқа бир қиз.

— Бу севган шоирига ўзини бағишлаш, — деди Тўймуродов, — турмушда мисоллар кўп бунга. Моҳирахоним деган шоира ўзини алла қайси кекса шоирга бағишлаган, ижоди гуллаб кетган...

Ўша кундан бошлаб тўгаракда галати вазият пайдо бўлди. Ким ўзини Тўймуродовга яқин олса, ўшанинг шеъри ўқилади, ўшанинг шеъри таҳлил қилинади, бошқаларга намуна қилиб кўрсатилади...

Тўймуродов ўз ниятларини амалга ошаётганини кўриб шошиб-пишиб, икки фарзандини интернатга жойлади, хотинидан юз ўгирди-да, Тошкентнинг Лабзак кўчасидаги хилват уйлардан бирига квартирант бўлиб келди ва бу уйни тўгаракнинг филиали деб эълон қилди.

— Ўз болаларингизни тарбиялашдан воз кечиб, ўзгаларнинг фарзандини қандай гарбиялай оласиз? — сўрашди қўшнилар, ундан.

— Бошқаларни тарбиялаш учун вақтим кўпроқ бўлсин деб шу ишни қилаётирман, — тушунтирди Тўймуродов. У сал кун ўтмай, тўгаракнинг «филиали»да «тарбиявий» ишни қизитиб юборди.

— Домла, шеърими кўриб бер-сангиз... — тортиниброқ кириб келди бир куни «М» исмли қиз.—

— Шеър ёзиш учун кишининг руҳи ҳам, бадани ҳам тоза бўлиши керак, — кўзини айёрона қисиб деди «тарбиячи».

— Ундай деманг, ўяламан...

— Уялма! Уятчан қиздан шоира чиқмайди.

Бир нафасдан сўнг не-не ўмидлар билан кирган «М» шеърини парча-парча йиртиб, чиқиб кетди. Шеърга, шоирликка нафрат ўқиди.

— Мана, мана сизга — деди у қоғоз парчаларини отиб, — энди шеър ҳам ёзмайман, шоира ҳам бўлмайман.

Тўймуродовнинг номи-амолини таърифлаб адо қилиб бўлмаса керак. У сўнгги пайтда ўз «филиали»да «тарбиявий» ишни шунақанги авж олдирдики, асти қўяверасиз. Бошқа бир куни тўгарак қатнашчиларидан бўлмиш 9-синф ўқувчиси «Ш» «филиалга» таклиф қилинди. Келгач Тўймуродов «хўп десангиз, шеърларингизни, китоб қилиб чиқартириб бераман» дея секин тузоқ қўя бошлади.

— Ростданми домла? — шодлигини бекита олмай деди қиз.

— Рост. Истасам... Сизни бахтга, шодликларга қўмиб юбораман. Ҳаммаёққа танитаман.

Абдураим Тўймуродов муҳаббат изҳор қилишга уста бўлиб қолган эди. Аста-секин қизнинг кўнглини ўзига ром қилиб олгач, унга ҳам муҳаббат изҳор қила бошлади, ишонарли бўлсин учун жиндак кўз ёши ҳам қилиб қўйди.

— Нималар деяпсиз ўзингиз? — деди қиз кўрқиб.

— Йўқ десангиз, ўзимни трамвайнинг тагига ташлайман...

Орадан бир неча ой ўтгач, доғули Тўймуродов орзу-умидлари поймол бўлган қизга мана бундай деб ёзди: «Жонгинам «Ш»! Бўлар иш бўлди. Энди бу шармандаликдан қутилиш иложини топишимиз керак. Ҳамма ерда гап тарқатиб юрма. Бу билан ўзингнинг нархингни туширасан, холос. Менга эса барибир. Ишонаманки, менинг маслаҳатларимга аввалгидек қулоқ соласан. Сен кишиларга тўгарак раҳбаримиз кўп меҳрибон ва ақлли шоир эдилар. Мен у кишидан яхшилик, фақат яхшилик кўрдим, ўзгалар ҳам кўп наф олди деб айтасан ва тўгаракка қатнашда давом этасан. Шу билан ҳамма гап босди-босди бўлиб кетади... Хулласи, оппоғим, замон нозик. Ақл билан иш тутгин... Хайр жонгинам!

Сенинг А. Т.»

Шу билан қиссамизни якунлаб, «Тошкент шаҳридаги адабиёт тўгаракларидан бирига раҳбар бўлиб олган Абдураим Тўймуродовнинг қабиҳ қилмишлари учун жамоатчилик олдида жавоб беради» деб кўя қолмоқчи эдик. Аммо Тўймуродовнинг сўнгги пайтда кирдикорлари фош бўлгач, идорама-идора юриб, «эркак кишининг ақли қирқда тўлади дейдилар, мен эндигина ўттиз тўққизга кирдим, ёшлигимни ҳисобга олинглар, партия олий мактабини тугатганман, илмим нобуд бўлиб кетмасин, кечиринглар» деб риёкорлик билан кўз ёши тўкиб юрганини айтиб ўтмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Ҳатто у прокурорга бағишлаб шеър ҳам ёзибди. Мана ўша шеър:

«Ёмон юрдим, тоза қолдим
чатоққа,
Узур айтай прокурор ўртоққа!
Тошбўронга олар, билса
одамлар,
Сирни очманг, такрор тутманг
сўроққа».

Эътибор ОХУНОВА.
Худойберди ТУХТАБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 4 ЯНВАРЬ 1964 ИИЛ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Сиз учун ёзилган ҳикоялар.**

Рус тилида: 11.25 — **Капитан Грант болалари** номли бадиий фильм. 18.00 — **Янги йил эртаги** (болалар учун). 19.05 — **Телевизион янгиликлар,** 19.20 — **Беш савол** (тасвирий санъат бўйича адабий топишмоқ). 19.50 — **Фан ва техника** киножурнали. 20.00 — **Жаннат эшелони** номли киноповесть. 21.20 — **Реклама ва эълонлар.**

21.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.35 — **Телевизион янгиликлар,** 21.50 — **Бирма,** 22.10 — **Концерт** (Ўзбекистон радио ва телевидение оркестри ва солистлари ижросида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.50 — **Ганг дарёси қизи** номли бадиий фильм, 20.20 — КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорлари амалга оширилади. **Химия саноати корхоналарида,** 20.45 — **Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари,** 21.05— **Бу қўшиқларни жаҳон халқлари куйлайди.**

Рус тилида: 21.35 — **Табиат-бизнинг дўстимиз,** 22.05 — **XX аср** (ҳужжатли фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/I да кундуз **Олтин калит,** кечқурун **Риголетто,** 5/I да кундуз **Русалка,** кечқурун **Жизель.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/I да кундуз **Биринчи муҳаббат,** кечқурун **Номаълум киши,** 5/I да кундуз **Гамлет,** кечқурун **Биринчи муҳаббат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/I да кундуз **Алпомиш,** кечқурун **Икки билагузук,** 5/I да кундуз **Зарафшон қизи,** кечқурун қайта ишланган спектакль **Нурхон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида 12/I гача **«Циркда арча»** ва янги аттракцион — **«Йиртқич ҳайвонлар».** Ўргатувчи — **Вальтер Запашний.** Томошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

КИНО

«Никотиана»нинг тугаши (1 ва 2-серия) — «ВАТАН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Истамбул хазиначисининг мероси — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сочи қирилганлар шайкаси — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11 ярим ва кеч 6-40 минутда).

Космонавтлар кўчаси —(кундуз соат 1 ва 3 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 12 да).

Пахтаой — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Ойни ўғирлаганлар ҳақида — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Машаққатли ёшлик — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Қора Чайка — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 да).

Тунги ибодат — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

„Узэнергосбит“

ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРДАН СУРАЙДИКИ,

уй, ҳовли, кўча, магазин ва муассасалардаги

ташқи электр лампалари,

шунингдек бинолар ичидаги

электр чироқлари

КУН ЕРИШИ БИЛАНОҚ УЧИРИЛСИН.

Кундуз кунлари электр чироқларидан фойдаланиш ҳоллари кўрилган тақдирда, электр оғоҳ қилмасдан узиб қўйилади.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИНИНГ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ

КИЙИМ ВА БУЮМЛАРНИ

химия усулида

ТОЗАЛАШ ВА БЎЯШ,

шунингдек гиламлар ремонт қилиш учун

ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Химия усулида тозалаш муддати — 7 кунгача, бўяш—10 кунгача.

Кийимни шошилинч тартибда (72 соат ичида) тозалаш учун қуйидаги пунктларда заказ қабул қилинади:

12-Пункт — Пушкин кўчаси, 18-уйда.

16-пункт — Ўзбекистон кўчаси, 10-уйда.

18-пункт — Шота Руставели кўчаси, 132-уйда.

ФРУНЗЕ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИ

аҳолидан ҳар қанча миқдорда

БАЛОНЛАР

ва ярим литрли, бир, икки, уч литрли

ШИША БАНКАЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

(прейскурант нархларида)

Суюлтирилган газдан фойдаланувчилар

ДИҚҚАТИГА!

Райгазларда дам олиш куни — сешанба белгиланган.

«ТАШГОРГАЗ» ТРЕСТИ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор —29004. Редактор ўринбосари— 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими —31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 05009. ИНДЕКС 64695 Нашр. № Б 1662.